
“Ички ишлар органлари ходимлари куни” Марғилон шаҳрида кенг нишонланди!

Шаҳримизда янги қуриб битказилган “Роҳат” тантаналар саройида байрам муносабати билан бир пиёла чой устида тадбир ташкил этилди.

Тантанали тадбирни шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов табрик сўз билан очиб, юртимизда фаолият олиб бораётган соҳа фахрийларини, шунингдек, Марғилон шаҳар Ички ишлар бўлим министрига ходимларини айём билан самимий муборакбод этди.

У ўз табрик сўзида ҳаётини фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли ишга бағишилаб келаётган ИИБ ходимларига миннатдорчилик изҳор этди ҳамда уларга шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир давомида ижро этилган ҳарбийларнинг мардонавор ҳаётини мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар барчага бирдек байрам кайфиятини улашди.

2023-10-27 20:03:08